

«СОЮЗ-6» ОМОН — ЭСОН ЕРГА КҮНДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЙЛ ЧИҚИШИ

206 (4197).

17

ОКТАБРЬ

ЖУМА

1969 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-6» КОСМИК КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ

МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

Космонавтардан Георгий Степанович Шонин ва Валерий Николаевич Кубасов ўртоқлардан иборат составдаги экипаж бошқариб борган «Союз-6» космик кемаси парвоз программасини муваффақиятли бажарганидан кейин бугун, 1969 йил 16 октябрда Москва вақти билан соат 12 дан 52 минут ўтганида Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районида Қарағанда шаҳридан 180 километр ғарбий-шимолдаги жойга қўнди.

Космонавтарнинг кайфияти яхши. Кема командири орбитадан тушиб учун қўл билан кеманинг йўлини тўғрилади ва белгиланган вақтда дигателни ишга солди. Дигател ишлаб бўлганидан кейин ичида

экипажи билан бирга туширилувчи аппарат кемадан ажралди.

Туширилаётган аппаратнинг парвози аэродинамик сифатлардан фойдаланилгани ҳолда бошқариладиган траектория бўйлаб ўтди. Атмосферада тормоз берилганидан кейин парашют системаси ишга «ушдириди, юмшоқ қўндиради» дигателлар ерга оҳиста қўнишни таъминлади.

Ерда қидириш группасининг вакиллари, дўстлар, спорт комиссарлари, журналистлар космонавтарни кутиб олишди.

«Союз-6» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланди. Олинган натижалар илмий-техникавий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

ТАСС АХБОРОТИ

15 октябрь Москва вақти билан соат 15 дан 30 минут ўтганга қадар «Союз-6» космик кемаси Ер атрофини 66 марта, «Союз-7» кемаси 50 марта ва «Союз-8» кемаси 34 марта айланиб чиқди.

Этти совет космонавт учувчилари группа бўлиб учин программасини муваффақиятли бажармоқдалар. Экипажлар кемаларни орбитада учирини техникасини ихчамлаштирдилар. Бу эса, келгусида космик лабораториялар яратини учун, шунингдек бу лабораторияларнинг узоқ муддат ишлашини таъминлаш учун зарурдир. Космонавтар қўлда бошқариш системаси ҳамда кемалардаги навигация воситалари ёрдами билан космик кемаларда жуда кўп маневр қилдилар. «Союз-7» ва «Союз-8» кемалари бир-бирига яқинлашиб, улар орасидаги масофа 500 метр бўлди. Бу — экипажларга бир-бирларини қўриб бемаъл қўзатиш ҳамда шуъла индекслари ёрдамида алоқа қилиш имконини берди. Космонавтар кўш батареялари панелларини, антенналарини ва кема конструкциясининг бошқа элементларини иллюминаторлардан аниқ кўрдилар.

«Союз-7» ва «Союз-8» кемаларининг бир-бирига яқинлашуви ҳамда уларнинг ўзаро ҳолатини «Союз-6» космик кемасининг экипажи қўзатиб турди ва қайд қилди.

Физик тадқиқотлар программаси доирасида космик курлар оқими тарқибини аниқлаш юзасидан экспериментлар ўтказилди, шунингдек Ер ноносферасининг юқори қатламларида содир бўлаётган процесслар ўрганилди.

Навбатдаги радио алоқа сеанси вақтида космик кемалар экипажларининг командирлари ўз қариндош-уруғларига самимий табрик сўзлари учун космонавтар воядан ташаккур билдирдилар.

Космонавтарнинг кайфияти жуда яхши. Кемаларнинг системалари аниқ ишламоқда, парвоз программага мувофиқ ўтмоқда.

«Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг группа бўлиб учини давом этмоқда. 15 октябрь тушдан кейин космонавтар илмий техника тадқиқотлари ва қўзатишлар программасини бажардилар.

«Союз» кемаларига ўрнатилган илмий аппаратлар ёрдамида атмосфера параметрларини ўлчаб ва атмосферада рўй бераётган жараёнларни тадқиқ қилиш методлари ишқилирилди.

Кемаларнинг экипажлари ердаги пунктлар билан оператив алоқа боғлаб, булут қопламанинг ҳолати, вужудга келётган циклонлар тўғрисидаги, Совет Иттифонининг тоғли районларида қор қатламнинг ўзгариши ҳақидаги метеорология маълумотларини юбориб турдилар.

Космонавтар белгиланган вақтда овқатланиб олдилар. Уларнинг тушлик овқати жингар қиймасидан тайёрланган таом, товуқ гўшти, ион, мева, конфетлардан иборат бўлди. Космонавтар овқатдан сўнг бироз дам олиб, белгиланган планга мувофиқ ишлашини давом эттирдилар.

1969 йил 15 октябрда орбитада бир неча бор маневр қилинганлиги натижасида «Союз-6» ва «Союз-8» кемалари навбатма-навбат «Союз-7» кемасига бир не-

ча юз метр масофага яқинлашиб борди. Кемаларнинг яқинлашуви юзасидан қилинган ҳамма ҳаракатлар кемалардаги мустақил навигация воситалари маълумотларига мувофиқ қўл бошқарувдан фойдаланиб бажарилди. Натижада одам бошқарадиган кемаларни мустақил идора қилишнинг янги системаларини ишлаб чиқиш ва яратини учун зарур бўлган қимматли материал олинди.

Космонавтар Шонин, Кубасов, Филиппенко, Волков, Горбатко, Шаталов ва Ежисевлар юксак операторлик маҳорати кўрсатиб, кемаларнинг ҳаракатини бошқариш ва ўзаро маневр қилишнинг ҳамма элементларини аниқ бажардилар. Экипажларнинг Ерда космик парвозга қўрган тайёргарлик яхши уюштирилганлиги ва пухта ўтказилганлиги бунга имкон берди.

Ердаги қўзатиш пунктлари берган хабарларга қўра кемалар группасининг парвози туғи оёмонда аниқ қўри-ниб турди. Кемалар орбиталарининг параметрлари бир-бирига яқин бўлиб, қўндагилардан иборат:

— Ер юзасидан энг қўн узоқлашуви (апогейда) — 225 километр;
— Ер юзасидан энг кам узоқлашуви (перигейда) — 200 километр;

— Айланш даври — 88,6 минут;
— Орбитанинг оғиши — 51,7 градус.

Айни вақтда планлаштирилган илмий — техникавий ва медицина — биология экспериментларининг бутун ҳажми бажарилди.

Космик кемаларнинг одамлар ишлатган бўлмаларидаги босим, газ таркиби, ҳарорат ва атмосферанинг намлиги норма даражасида.

Ҳамма етти космонавтининг сиҳат-саломатлиги яхши, улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Соат 20 дан 30 минут ўтганга қадар космик кемалар Совет Иттифонининг ердаги пунктларидан радио орқали алоқа боғлаб зонасидан ўтиб кетдилар.

Космонавтар кечки овқатдан сўнг дам олишади.

Учин программасига мувофиқ 15 октябрь Москва вақти билан соат 21 дан 20 минут ўтганда бошлаб 16 октябрь соат 5 гача «Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг экипажлари ҳордиқ чиқардилар.

Телеметрия маълумотларига қўра, космонавтар тинч ва қаттиқ ухлашди. Кемаларнинг кабиналари ва орбитал бўлмаларидаги микроклимат параметрлари — атмосферанинг босими, ҳарорати, намлиги ва газ состави ердагига мувофиқ келди.

Кемаларнинг экипажлари уйғонганларидан сўнг зарур жисмоний машқлар комплексини бажардилар, иштаҳа билан понушта қилдилар ва кема ичидаги системаларнинг ҳолатини текшириб чиқдилар.

Кемалар Совет Иттифонининг Узоқ Шарқдаги ўлчов пунктларидаги радиостанциялар қўндагидан зонага кираётганида, экипажларнинг командирлари вақтин тўғрилаб олдилар ва ҳамма космонавтар ўзларини жуда яхши ҳис қилаётганлигини ҳамда улар навбатдаги учин кунининг программасига мувофиқ илмий — техника тадқиқотлари ва экспериментлар ўтказишга киришмоқ учун тайёр эканлигини маълум қилдилар.



«Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларнинг экипаж аъзоларининг иш фаолияти ҳақида телевизион репортажлар ўтказилмоқда. Телевизор экрани орқали олинган бу суратларда илмий-техникавий ишларини бажарётган космонавтарни қўриб турибсиз. (Сурат «Правда» газетасидан олинган.)

ЖАСОРАТИНГИЗ- ДАН РУҲЛАНИБ

Космонавтарнинг группа бўлиб парвоз қилишмоқда. Улар кўнда учётган бўлсалар биз ерда, ўз пахтазорларимизда жавлон уриб меҳнат қилаймиз. Олдин қаҳрамон космонавтарларимизнинг парвози билан қувонган бўлсак, кейин механик ҳайдовчиларимизнинг, чевар термичиларимизнинг меҳнатда эришган янги зафарлари билан қувондик. Чунки уларнинг ҳалот ва фидокорона меҳнатлари туфайли космонавтар парвоз қилган кунин бригадамизда меҳнатда эришган янги зафарлари билан қувондик. 91 гектар ердан 206 тонна пахта териб олди. Бу ишда механик-ҳайдовчиларимиздан Шойирза Мирзаев, Ақром Болтабоев, Жуман Мирзаев, термичилардан Гулсуна Вахромова, Мавлуда Иброҳимова, Жаҳон Аноркуловларнинг ҳиссаси натта бўлди. Меҳнат-ҳайдовчиларимиз 50 тоннадан, термичиларимизнинг ҳар бири 2, 5—3,5 тоннадан пахта тердилар.

Бригадамиз аъзолари яна ҳар гектар ердан 8 центнердан ҳосил йиғиб олишга, ҳосилдорлигини 30,7 центнерга етказишга қарор қилдилар. Шу маъсадда ҳозир далаларда қизгин иш олиб бориляпти.

И. С. КИМ

Ўрта Чирчиқ районидан
«Партия XXII съезда»
колхоз бригадаси бошлиғи.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Бўқа районидаги Тельман номи колхозининг Мустафо Минизов бошлиқ зveno пахтакорлари колхозда биринчи бўлиб маррага етдилар. Ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил кўтарилди.

Звеню дехқонлари эл хирмонига 85 тоннадан ошириб пахта тўқдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб яна 40 тонна пахта йиғиб олиш, ҳар гектар ердан эса қўшимча 11 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олдилар. Звенюнинг Ойша Маматова, Гулнора Ибнзова каби чевар термичилари ҳар кун 120—130 килограмдан пахта териб ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар.

Звеню бошлиғи Мустафо Минизовнинг ўзи эса шу кунга 70 тоннадан ошириб пахта терди. Звеню пахта далаларида йиғим-терим ишлари қизгин давом этмоқда.

К. БҲРИЕВА.

СОВЕТ-ВЬЕТНАМ БИТИМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Кейинги вақтларда Москвада Вьетнам Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси билан ўтган музокара натижасида 15 октябрда Совет Иттифоқи томонидан Вьетнам Демократик Республикасига текин ва ифтиодий ҳарбий ёрдам, янгидан узоқ муддатли кредитлар бериш тўғрисида битимлар, шунингдек Совет Вьетнам ҳамкорлигига доир бошқа ҳар хил масалалар юзасидан ҳужжатлар имзоланди.

Шу битимларга мувофиқ Совет

Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасига қанча миқдорда озик-овқат, нефть маҳсулотлари, транспорт воситалари, комплект асбоб-ускуналар, қўра ва рангли металллар, пахта ва газлама, дори-дармон ва медицина асбоб-ускуналари, химик ўғит, қурол-яроғ, ўқ-дори ва Вьетнам Демократик Республикасининг муҳофаа қоби-лиятини мустаҳкамлаш ҳамда унинг иқтисодининг тиклаш ва ривожлантириш учун керак бўл-

ган бошқа моллар ҳамда мате-

риаллар етказиб беради. Битимларин СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Вьетнам Демократик Республи-каси ҳукуматининг Ёш министри Фам Ван Донг имзоладилар.

Мазкур битимлар совет ва Вьетнам халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликнинг янада мустаҳкамлаш ҳамда Совет Иттифоқи билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида ҳам-корлиқни кенгайтиради. (ТАСС.)

ТЕРИМГА ЗҲР БЕРИНГ, ПАХТАКОРЛАР!



ЯНГИЙҲЛ районидagi Ленин номи колхоз пахта далаларида йиғим-терим ишлари кун сайин қизгин тус олмақда. Ҳўжаликдаги барча техника ва одам кучи тўла йиғим-теримга сафарбар этилган. Механизатор ва термичиларнинг ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб меҳнат қилаётганликлари туфайли яхши натижаларга эришилляпти. Суратларда (унгдан): колхознинг 17-бригада даласида пахта терими пайти, (Чапда) Кўмингхялограммчи термичилардан Нафиса Набиева, У ҳар кун 90—100 килограмдан пахта термоқда.

О. ҚОЗОҚБОВЕВ фотолари.



ШОЛИ—ДАВЛАТГА

16 октябрга қадар областимизда шоли ўрини плани 6,9 процент бажарилди. Шу жумладан Калинин райони — 16,3, Янгийўл — 9,7, Бекобод — 9,1, Бўқа — 9,0.

Оққўрғон — 8,6, Юқори Чирчиқ — 3,5, Ўрта Чирчиқ — 1,8 процент. Оржоникидзе, Бўстонлиқ районларида шоли ўринига киришилмаган.

ЯНА 10 ЦЕНТНЕРДАН

Дё Павел бошчилик қилаётган бригада Оққўрғон районидagi «Победа» колхозида ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар. Улар бу йил ўзларига қарашли 44,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олган эдилар. Ёз бўйи гайрат кўрсатиб меҳнат қилган бригада дехқонлари мана энди йиғим-теримни ҳам намунали олиб бормоқдалар. Янгида улар ўз зиммаларидаги лизифани шараф билан адо

этишди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 26 центнердан ошиб кетди. Улар ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Бригаданинг илгор механизаторларидан ҳисобланган Ким Алексей колхоз хирмонига шу кунгача ўз «зангори кема» бункеридан 75 тоннадан ошириб пахта тўқди. Унинг мақсади мавсумда 120 тоннадан ошириб пахта териб бўлишдир. С. МУСТАФОВЕВ.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 16 ОКТАБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган, бешинчи стун — мавсум бошидан буюн машинада терилган.

Оққўрғон	1,65	54,84	1,13	49,66
Янгийўл	1,78	51,73	1,33	30,03
Ўрта Чирчиқ	0,97	42,13	0,69	28,70
Оржоникидзе	1,50	37,04	0,20	28,70
Бекобод	1,04	31,66	0,35	11,76
Бўқа	0,98	31,24	0,62	19,70
Юқори Чирчиқ	1,61	30,77	1,54	32,54
Область бўйича	1,32	42,03	0,88	30,19

Тонна уғун

КЕЛГУСИ ЙИЛ ХИСОБИГА

